

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЙЧИЕВ КОМИЛЖОН ЛАЗИЗОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИШ
МАРКЕТИНГ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Туйчиев Комилжон Лазизович

Ўзбекистон Республикасида автомобилларни сотиш маркетинг
сиёсатини такомиллаштириш..... 3

Туйчиев Комилжон Лазизович

Совершенствование маркетинговой политики по реализации
автомобилей в Республике Узбекистан..... 27

Tuychiev Komiljon Lazizovich

Improving the маркетинг policy for the sale of cars in the Republic of
Uzbekistan..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЙЧИЕВ КОМИЛЖОН ЛАЗИЗОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИШ
МАРКЕТИНГ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1925 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tsue.uz) ва Ziyonet Ахбарот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: Ходиев Баходир Юнусович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Акрамов Тохир Абдирахманович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қодиров Хумоюн Толибжон ўғли
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «07» 07 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «14» 03 даги 8 рақамли реестр баённомаси)



М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Ш.Дж. Эргашходжасва

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида жаҳон автомобиль бозорининг ривожланиш муаммоларини ўрганиш жаҳон автомобиль бозорида рақобатнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Кўпгина мамлакатларда автомобилсозлик саноати импорт қилинадиган автомобилларга юқори божхона тўловларини жорий этиш орқали ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар билан таъминланади. Шу муносабат билан энгил автомобилларни сотишда қўлланилувчи маркетинг воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. 2021 йилдан бошлаб автомобиль саноати жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган ва талаби юқори тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноат кўлами шундай тавсифланадики, жаҳон автомобилсозлик саноатининг якуний маҳсулотларининг умумий қиймати тахминан 1,5 трлн АҚШ долл.ни ташкил этиб, шундан 388 млрд. АҚШ долл. – АҚШ га, 442 млрд. АҚШ долл. – Японияга, 252 млрд. АҚШ долл. – Германияга тўғри келмоқда.

Дунё автомобиль саноати жаҳон саноатининг энг монополлашган тармоқларидан бири ҳисобланади. 10 та етакчи автомобиль компаниялари: Toyota Motor, Volkswagen Group, General Motors, Renault-Nissan Alliance, Hyundai Motor Group, Ford Motor, Fiat-Chrysler, Honda Motor, PSA Peugeot-Citroen, Suzuki жами жаҳон бозорида кучли рақобатни шакллантириб, жаҳон ишлаб чиқаришнинг тахминан 80 %ини таъминлайди. Жаҳон автомобиль бозорида энг юқори рақобат, трансмиллий автомобилсозлик корпорацияларининг устунлиги, ривожланган рақобат муҳити ва ривожланаётган бозорларга эга мамлакатларда мазкур бозор фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автомобилларни сотишнинг маркетинг сиёсатини такомиллаштириш муаммоси илмий-назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади. Энгил автомобилларни ишлаб чиқариш умуман, автомобилсозлик соҳасидаги вазиятни белгиловчи энг муҳим сегментлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда ўз ҳудудида автомобилни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган биринчи мамлакатдир. Узоқ муддатдаги истиқболда автомобил саноати кимё ва нефть саноати, машинасозлик, рангли металлургия ва электр энергиясини ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашади. Ўзбек автомобилларига ички ва ташқи бозорда (айниқса, МДҲ мамлакатлари орасида) талаб юқори. 2020 йилда Ўзбекистон автомобилсозлари томонидан 280080 дона автомобиль ишлаб чиқарилиб, улар ички ва ташқи бозорда сотилган. 2020 йилда ўзбек автомобиллари Қозоғистон (24137), Украина (448), Россия (1320), Қирғизистон (154), Афғонистон (960)¹ да харид қилинган. Бундай шароитда Ўзбекистон Республикасида автомобилларни сотишнинг

¹Автостат таҳлилий агентлигининг маълумотлари асосида - <https://www.autostat.ru/>

маркетинг сиёсатини такомиллаштириш айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобилсозлик саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 305-сон “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг ҳозирги ҳолати таҳлили, шунингдек, маҳаллий саноат корхоналарида маркетинг сиёсатини шакллантириш масалалари А.Бекмурадов, Г.Ахунова, М.Болтабаев, Ж.Жалолов, И.Иватов, А.Солиев, А.Фаттахов, Д.Мухиддинов, М.Юсупов, М.Косимова, Ш.Эргашходжаева, Г.К.Тарахтиева, Х.Н.Жахонов, Т.Акрамов² ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Автомобилларни сотишда маркетинг сиёсати масалалари И.В.Лазеренко, М.И.Куличенко, А.Л.Орлова, Е.А.Касаткина, А.В.Паськонинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Мазкур муаллифларнинг тадқиқотларига қарамай, автомобилларни сотишда қўлланилувчи маркетинг воситалари, усул ва ёндашувлари ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган. Миллий автомобиль бозорининг тузилиши ва унинг минтақавий таркибий қисмларининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмайди. Шу муносабат билан енгил

² Бекмурадов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. док. экон наук. – Т., 1993; Ахунова Г.Н. Таълим тизимида маркетинг ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. – Т., 2004; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография – Т.: Фан, 2004.; Жалолов Ж. Маркетинг. – Т., 1999. – 120 б.; Иватов И. Ўзбекистон деҳқон бозоридида маркетинг фаолияти ривожланишининг истикболлари. И.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. – Т., 2003; Мухиддинов Д.М. и др. Маркетинг: рыночная концепция управления. – Т., 1997. – 134 с.; Солиев А. Маркетинг. – Т.: Молия ва иқтисод. 2009. – 395 б.; Фаттахов А.А. Стратегия маркетинга в оптовой торговле и пути повышения ее эффективности. Монография. – Т.: Фан, 2005. 179 с.; Ergashxodjayeva Sh. Innovatsion marketing. Darslik. – Т.: Cholpon, 2014. – 179 б. Тарахтиева Г.К., Жахонов Х.Н. Анализ проблем современного состояния автомобильной промышленности Республики Узбекистан. //Экономика и финансы (Узбекистан), 2018.

автомобилларни сотиш бўйича маркетинг сиёсатининг усул, восита ва технологияларини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади³.

Муқобил сотиш каналлари ва электрон савдо масалалари МДХ мамлакат олимларидан М.И.Куличенко, О.П.Михайлова, А.А.Алейникова, А.В.Логутова, Ю.О.Лан, Ю.М.Щетинина, С.В.Рындина, А.В.Карев ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган. Бироқ бу тадқиқотчиларнинг ишларида Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатига нисбатан муқобил сотиш каналлари ўрганилмаган⁴. Э.Дж.Бергер, Д.Козье сингари хорижлик муаллифлар ўз асарларида мустақил билим соҳаси сифатида электрон тижоратни шакллантиришнинг асосий жиҳатлари ва уни янада ривожлантириш, шунингдек, мақсадли аудиторияни кенгайтириш, харажатларни камайтириш, сотувчи ва харидорлар учун қулайлик яратиш орқали анъанавий сотиш каналлари бўйича афзалликларни ёритганлар.

Автомобиль саноати ва дистрибьюциянинг келажаги америкалик муаллифлар Эван Хирш, Луис Ф.Роддеви́г, Питер Солиманнинг асарларида кўриб чиқилган бўлиб, улар автомобиль савдосини ташкил этиш ва ўтказиш учун америка электрон тижорат тажрибасини кўрсатиб берган⁵.

Мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги диссертация тадқиқотининг мавзусини танлаш учун асос сифатида хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида автомобилларни сотиш учун муқобил каналларни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Автомобилларни сотиш маркетинг сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Лазуренко И.В. Маркетинговая политика фирмы-дилера на автомобильных рынках юга России: дис... канд. экон. наук Ростов-на-Дону, РГУ, 1998; Куличенко М.И. Роль контент-маркетинга в продвижении товаров и услуг в сфере автомобильного и автоспортивного бизнеса. //Практический маркетинг, 2019. №3 (265); Орлов А.Л. Факторы роста легкового транспорта и сбытовые стратегии корпораций автомобильной промышленности на региональных рынках (на примере Дальнего Востока РФ) автореф. дис... канд. экон. наук, Хабаровск, ДГТУ, 2004; Касаткина Е.А. Теоретические аспекты маркетинговой политики зарубежных компаний: дис. ... д-ра экон. наук. / Е.А. Касаткина. – М., 2001; Пасько А.В. Механизм развития стратегий сбыта ведущих автомобильных корпораций на современном этапе. //Вестник университета, 2014. №13; Куличенко М.И.

⁴ Роль контент-маркетинга в продвижении товаров и услуг в сфере автомобильного и автоспортивного бизнеса. //Практический маркетинг. 2019; Михайлова О.П., Алейникова А.А., Логутова А.В. Интернет-маркетинг как инструмент инновационного маркетинга. // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, 2017. №5; Клиентоориентированность в автоматизированных бизнес-процессах компании по продаже автомобилей / Ю.О. Лан, Ю.М. Щетинина, С.В. Рындина // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Экономические науки. – 2017. – № 1 (5); Карев А.В. Формирование и развитие дилерских сетей на российском рынке бытовой техники дис... канд. экон. наук. – М.: Институт проблем управления, 2016.

⁵ Evan Hirsh, Louis F. Rodewig, Peter Soliman, Changing Channels In The Automotive Industry: The Future of Automotive Marketing and Distribution.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маркетинг сиёсати ва автомобилларни сотиш каналларининг назарий асосларини тизимлаштириш;

автомобилларни сотиш учун муқобил каналлар орқали маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш хусусиятларини ёритиб бериш;

дунёнинг етакчи автомобиль корпорацияларида савдо стратегияси ва муқобил маркетинг каналларини ишлаб чиқишни ўрганиш;

Ўзбекистонда автомобиль бозорини жорий этишнинг мавжуд механизмларини таҳлил қилиш;

автомобилларни анъанавий сотиш каналларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва сотишнинг муқобил усулларини жорий этиш;

автомобилларни сотиш сиёсатини оптималлаштириш ва охириги фойдаланувчига қаратиш;

автомобилларни муқобил сотиш каналларини такомиллаштириш ва сотишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

муқобил сотиш каналлари орқали автомобилларни сотишни ривожлантириш истиқболларини прогноз қилиш;

автомобилсозлик саноати экспорт салоҳиятини оширишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш;

автомобиль маҳсулотларини сотишнинг маркетинг сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида автомобиль сотиш бўйича маркетинг сиёсати олинди.

Тадқиқотнинг предмети автомобилларни сотиш бўйича маркетинг сиёсатини амалга ошириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида эконометрик моделлаштириш усули, эмпирик тадқиқот, прогнозлаш, SWOT-таҳлил, сўров ва сегментлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий автомобиллар бозори сегментида чакана савдонинг энг самарали восита эканлиги асосланиб, маҳсулотлар рекламаси, танлаш ва сотишга оид маркетинг жараёнларини он-лайн шаклда амалга ошириш бўйича мақсадли аудиторияларни ривожлантириш негизида муқобил каналлар орқали автомобилларни сотишни жадал ривожлантириш исботланган;

“Avtovin” электрон платформасидан фойдаланган ҳолда автомобилларни сотиш харажатларини камайтириб, фойда ҳажмини ошириш, муқобил каналлардан самарали фойдаланиш негизида маҳсулотни сотиш маркетинг стратегиясини такомиллаштирган ҳолда инвестициялар қопланиши ва улар рентабеллигининг 2027 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

мақсадли аудиториялар, маҳсулотларга талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш параметларининг маркетинг натижаларига кўра автомобиллар, жумладан электрон платформалар орқали сотишнинг прогноз кўрсаткичлари асосланган;

мақсадли экспортни қўллаб-қувватлашдан экспорт-комплекс, жумладан сервис хизматини ташкил қилиш маркетинг стратегиясига ўтиш ва экспорт салоҳияти ривожда электрон платформаларга устуворлик бериш асосида автомобиллар экспортининг 2027 йилгача бўлган базавий, оптимистик ва пессимистик сценарий прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сотиш сиёсатини оптималлаштиришда автомобилларни муқобил сотиш каналлари (электрон платформалар) орқали сотиш воситалари бўйича таклифлар асосланган;

Ўзбекистон бозорида автомобилларни сотиш ҳажмининг миллий ва хорижий автомобилларни сотиш, импорт ва экспорт ҳажмига боғлиқлигини белгилаб берувчи эконометрик модель таклиф этилган;

“Avtovin” электрон платформасидан фойдаланган ҳолда автомобилларни сотиш бўйича маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилган, уни янада ривожлантириш хусусиятлари аниқланган;

электрон платформа фаолиятининг прогнози амалга оширилган: маҳаллий ва хорижий автомобилларни сотиш динамикаси, мақсадли аудитория ҳажми ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий натижаларнинг ишончлилиги автомобилларни сотишнинг маркетинг сиёсатини ўрганувчи олимларнинг илмий қарашлари танқидий ва қиёсий таҳлил қилинганлиги, тадқиқот жараёнида қўлланилувчи ёндашув усулларининг асосланганлиги, шунингдек, ахборот базасининг ишончлилиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан автомобилларни сотиш маркетинг сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар учун услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. “Avtovin” электрон автомобилларни сотиш платформасидан автомобилларни ички бозорда ва экспорт операциялари учун муқобил сотиш канали сифатида фойдаланиш, шунингдек, улардан “Маркетинг”, “Стратегик маркетинг” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида автомобилларни сотиш маркетинг сиёсатини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миллий автомобиллар бозори сегментида чакана савдонинг энг самарали восита эканлиги асосланиб, маҳсулотлар рекламаси, танлаш ва сотишга оид маркетинг жараёнларини онлайн шаклда амалга ошириш бўйича мақсадли аудиторияларни ривожлантириш негизида муқобил каналлар орқали автомобилларни сотишни жадал ривожлантириш бўйича таклифлар «Avtovin» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021

йил 12 ноябрдаги 19/04-25-2055-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш автомобиллар бозорида «Avtovin» МЧЖнинг стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқишга асос яратилган;

«Avtovin» электрон платформасидан фойдаланган ҳолда автомобилларни сотиш харажатларини камайтириб, фойда ҳажмини ошириш, муқобил каналлардан самарали фойдаланиш негизида маҳсулотни сотиш маркетинг стратегиясини такомиллаштирган ҳолда инвестициялар қопланиши ва улар рентабеллигинининг 2027 йилгача прогнози бўйича таклифлар «Avtovin» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 19/04-25-2055-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш «Avtovin» МЧЖ рентабеллигини 18% га ошириш ва ўз навбатида, автомобиль маҳсулотлари учун муқобил сотиш каналларини бирхиллаштириш имконини берган ҳамда рақобат устунлигини оширишга хизмат қилган;

мақсадли аудиториялар, маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш параметларининг маркетинг натижаларига кўра автомобилларни, жумладан электрон платформалар орқали сотишнинг прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифлари “Ўзавтосаноат” АЖ фаолиятига жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 19/04-25-2055-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш натижасида 2021 йилда автомобилларни сотиш ҳажмини ошириш ва прогноз даврида автомобилларни муқобил каналлар орқали сотиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

мақсадли экспортни кўллаб-қувватлашдан экспорт-комплекс, жумладан сервис хизматини ташкил қилиш маркетинг стратегиясига ўтиш ва экспорт салоҳияти ривожидида электрон платформаларга устуворлик бериш асосида автомобиллар экспортининг 2027 йилгача бўлган базавий, оптимистик ва пессимистик сценарий прогнози бўйича таклифлар “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 19/04-25-2055-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш натижасида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланган ҳолда автомобилларни сотиш самарадорлигини ошириш, автомобилларни реализация қилиш каналлари ва муқобил каналларни сафарбар этишнинг кўшимча имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий-амалий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 3 та, етакчи халқаро журналларда 2 та, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 7 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологияларини ривожлантириш бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, унинг университет илмий фаолияти билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, тадқиқот натижаларини апробация қилиш, натижаларни чоп этиш, диссертациянинг ҳажми ва таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Маркетинг сиёсати ва автомобиль бозорини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида маркетинг сиёсати ва автомобилларни сотиш каналларининг назарий асослари, автомобилларни сотишнинг муқобил каналлари ва дунёнинг етакчи автомобиль корпорацияларида сотиш стратегияси ва муқобил маркетинг каналларини ишлаб чиқиш орқали маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш хусусиятлари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда ахборот-коммуникация инфратузилмасига киритилган инвестициялар туфайли интернет технологияларидан фойдаланиш учун техник ускуналар сезиларли даражада кўпайди: оптик толалар тармоқларнинг узунлиги ошди, мобил алоқа станциялари сони ошди, бу эса Ўзбекистон аҳолисининг 90 фоизини юқори тезликда алоқа билан таъминлаш имконини берди. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда электрон тижорат товар ва хизматлар етказиб берувчилар ва миқдорларга кенг имкониятлар беради.

Автомобиль маркетингининг интернет ва электрон савдоси имкониятларини ўрганиш соҳасидаги олим ва мутахассисларнинг кўплаб тадқиқотлари давомида жаҳон миқёсидаги веб-сайт фойдаланувчиларининг аксарияти автомобиль мавзуларига қизиқади. 2020 йил июлда АМТ Ресерч томонидан ўтказилган тадқиқотлар жаҳон тармоғига ташриф буюрувчиларнинг аксарияти камида ойда бир марта автомобиль билан боғлиқ сайтларга киради (1-расм).

Эҳтимол, келгуси йилларда автомобиль бизнеси вакиллари электрон интернет савдоларини янада фаолроқ, шу жумладан тўғридан-тўғри сотиш учун, шунингдек, автомобиль маҳсулотларини сотишни кенгайтириш учун фойдаланадилар.



1-расм. Автомобиль мавзуси билан боғлиқ сайтларга кириш кўрсаткичлари⁶

Таргетлаш реклама сифатида Интернет маркетингда ривожлантириш учун муҳим воситаси лид-шакли: потенциал миқдорлар рекламада кўрган улар учун манфаатли таклифлар бўйича маълумотларни йиғиш учун мўлжалланган ижтимоий тармоқ интерфейсида ўрнатилган шакли кўринишида реклама воситаси ҳисобланади. Лид-шакли таркибига қуйидаги элементлар киради (2-расм).

Интернет-маркетинг воситалари орасида автосалонлар учун электрон почта маркетингини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Бир қарашда, электрон почта орқали маркетинг баъзи бошқа автомобиль маркетинг стратегияларига нисбатан замонавий ёки самарали бўлмаслиги мумкин, лекин М.И.Куличенко унинг салоҳиятли аудиторияни қамраб олиш имкониятига эътибор қаратади⁷. Бундай маркетинг воситасидан фойдаланиш учун манфаатдор томонларнинг манзилларини тўплаш учун сайтни сошлаш тавсия этилади. Агар манзиллилик даражаси юқори бўлган электрон почталар рўйхати мавжуд бўлса, реклама жўнатмалари, албатта, юқори эҳтимоллик билан уни олишга манфаатдор бўлганларга келиб тушади.

⁶ Муаллиф томонидан <https://amresearch.me/> маълумотлар асосида тузилган

⁷ Куличенко М.И. Роль контент-маркетинга в продвижении товаров и услуг в сфере автомобильного и автоспортивного бизнеса. //Практический маркетинг. 2019. №3 (265). – С.24.



2-расм. Лид-шакли рекламани таргетлаш воситаси сифатида⁸

Автомобилсозлик саноатининг жаҳон етакчилари улкан инсоний ва моддий ресурсларга эга бўлиб, сайёрадаги энг нуфузли корпорациялардан бири ҳисобланади. Автомобиль бозори жадал ривожланмоқда ва сотиш ҳажмларини оширишга интилмоқда.

1-жадвал

2016-2020 йилларда етакчи автомобиль корпорациялари томонидан автомобилларни ишлаб чиқариш динамикаси⁹

Компания номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Toyota	7883773	8391548	8441714	8560638	2579574
Volkswagen	6439011	6888281	6795172	6687736	1689683
Honda	4736603	5000369	5105088	4864538	1314935
Ford	6003197	6044762	5461061	4902600	1210169
Hyundai	4654505	4238898	4318350	4214535	1165211
Nissan	4808277	4992285	4819954	4451624	1108368
Chevrolet	4099638	4049579	3991725	3647854	1102227
Kia	2905053	2657951	2679049	2720047	883340
Suzuki	2703622	3029931	3110891	2743063	754930
Mercedes-Benz	2277599	2501436	2422689	2693933	722592

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ <https://auto.vercity.ru/statistics/production/marks/2020/> ТОП 100 автомобиль русумларини ишлаб чиқариш статистикаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвалдан кузатиш мумкинки, 2016-2020 йилларда автомобиллар ишлаб чиқаришда доимий етакчилар Toyota ва Volkswagen компаниялари ҳисобланади. 2020 йилда барча етакчи компанияларда автомобилларни ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада камайди, буни коронавирус пандемияси туфайли корхоналарнинг тўхтаб қолиши билан изоҳлаш мумкин.

Ўрнатилган анъанавий тизимга Teslанинг кириб келиши инқилоб ҳолатига олиб келди, унда дилерлик мавжуд эмас, автомобилларни тўғридан-тўғри канал орқали сотиш ва мижозлар билан он-лайн мулоқотга эътибор қаратилган.

Tesla компанияси ўз автомобилларининг моделларини намоиш этиш учун йирик шаҳарларда кўргазма заллари ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича сервис марказларини очди ва харидорлардан аризаларни компаниянинг расмий сайти орқали қабул қилди. Автомобиль ишлаб чиқарувчилар орасида Tesla компанияси илк бор мижозларга ўз моделини тўғридан-тўғри веб-сайтда “йиғиш”, автомобилнинг ранглари ва турли хусусиятларини танлашни таклиф қилди.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда автомобиль саноати бозорининг ривожланиш тенденциялари ва ҳолати” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда автомобилларни сотишнинг мавжуд механизмлари ва автомобиллар бозори таҳлил қилинган, анъанавий сотиш каналларининг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган ва автомобилларни сотишнинг муқобил усуллари жорий этиш хусусиятлари ўрганилган, шунингдек якуний фойдаланувчиларга қаратилган автомобилларни сотиш сиёсатини оптималлаштиришга ҳаракат қилинган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2013-2020 йилларда енгил автомобилларни ишлаб чиқариш тўғрисида маълумот¹⁰

Автомобиль русуми	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Дамас DLX	22 232	20 119	27 062	16 817	22 496	34 618	51 824	51 692
Ambulance	134	200	190	67	1 290	2	143	676
Нексия Sons	36 983	35 376	16 955	8 519	-	-	-	-
Матиз	31 205	18 377	12 724	2 933	13 002	5 214	-	-
Спарк 1.0	3 719	3 335	4 056	601	-	-	-	-
Спарк 1.25	25 571	25 891	20 653	17 134	22 360	29 092	24 249	23 003
Кобальт	60 412	61 189	27 255	3 880	18 014	37 626	56 211	79 908
Нексия T-250	-	-	-	13 148	34 544	59 343	73 151	66 402
Нексия Dons	22 726	23 375	30 269	10 499	-	-	-	-
Джентра	11 192	46 397	39 532	9 443	19 164	33 314	44 508	50 052
Каптива	4 565	4 628	3 206	2 148	4 540	4 832	8	-
Малибу	4 435	4 469	29	216	-	-	-	-
Ласетти	22 991	337	-	-	-	-	-	-
Орландо	-	1 496	1 499	336	388	433	-	-
Малибу-2	-	-	-	-	963	6 624	5944	-
Трекер	-	-	-	-	-	2 189	7930	-

¹⁰ <https://stat.uz/ru/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистон автомобиль бозори мамлакатдаги энг муҳим саноат тармоқларидан бири ва экспортнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги кунда GM Uzbekistan корхонасида энгил автомобилларнинг саккизта модели ишлаб чиқарилмоқда, улардан олтитаси – Lacetti, Cobalt, Nexia, Matiz, Spark, Damas кичик узелли йиғиб териш йўли билан ишлаб чиқарилмоқда. Captiva ва Malibu моделлари йирик узелли йиғиб териш усули билан ишлаб чиқарилади.

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчилар томонидан талабга алоҳида эътибор қаратилди, кам сотилган автомобилларни ишлаб чиқаришни тўхтатилиб, янги моделларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирилди.

Шундай қилиб, 2019-2020-йилларда Нексия Сонс, Матиз, Спарк 1.0 русумларини ишлаб чиқариш тўхтатилиб, унинг бозордаги ўрнини Нексия Т-250, Спарк 1.25 эгаллади.

3-жадвал

Эконометрик моделнинг параметрлари, минг сўм.¹¹

Кўрсаткич	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
У – сотишдан олинган умумий сумма (натижадор кўрсаткичи)	4934764	5479478	6137477	3578122	5471940	14553686	17745418	23654584
X1 – сотилган маҳаллий автомобиллар	4758720	5198627	6081726	3560826	5447708	14073870	16908263	20885487
X2 – сотилган хориж автомобиллари	176044	280851	55750	17296	24232	479815	837155	2769096
X3-Экспорт ҳажми	637317	419745	42330	39388	130056	29253	121548	170725
X4-Импорт ҳажми	29606	211989	120416	193038	155293	319238	440237	475062

2019 йилда Ўзбекистон ички бозорида автомобилларни сотиш тартиби сезиларли даражада ўзгарди. Автомобиль ишлаб чиқарувчилар йиллик ҳажми учун бир марталик шартнома тузишдан бош тортдилар. Унинг ўрнига GM Uzbekistan корхонаси ҳар ойда шартномаларни амалга оширишга ўтди.

Олинган эконометрик модель Y натижадор кўрсаткич (Ўзбекистон Республикаси автомобиль бозорида сотишнинг умумий қиймати)нинг қуйидаги омилларига боғлиқлигини кўрсатади: маҳаллий автомобилларни сотиш ҳажми, импорт қилинадиган автомобилларни сотиш ҳажми, импорт ва экспорт ҳажмлари.

Барча коэффициентлар 5 % муҳимлик даражасида аҳамиятга эга, модель умуман, аҳамиятли, эркин ўзгарувчи статистик жиҳатдан аҳамиятли ва ишончли эмас.

¹¹ <https://stat.uz/ru/> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Олинган регрессия тенгламасини қуйидагича изохлаш мумкин:

маҳаллий автомобилларни сотиш ҳажмининг 1 минг АҚШ долларга ошиши Ўзбекистон Республикаси бозорида жами автомобилларни сотиш ҳажмининг 1,5978 мартага ўсишига олиб келади;

хорижий автомобилларни сотиш ҳажмининг 1 минг АҚШ долларга ошиши Ўзбекистон Республикаси бозорида жами автомобилларни сотиш ҳажмининг 0,3662 баробарга ошишига олиб келади;

автомобиллар экспорт ҳажмининг 1 минг АҚШ долларга ошиши мамлакат ички бозорида автомобилларни сотиш ҳажмининг 2.6696 минг АҚШ долл.га камайишига олиб келади;

автомобиллар импорт ҳажмининг 1 минг долларга ошиши мамлакат ички бозорида автомобилларни сотиш ҳажмининг 0.9780 минг АҚШ долл.га ошишига олиб келади.

Диссертация тадқиқотлари жараёнида анъанавий автомобилларни сотиш каналларининг самарадорлик таҳлили: улгуржи ва чакана савдо. Улгуржи канал (дилерлик маркази) харажатлари товарлар (автомобиллар) сотиб олиш ва етказиб бериш харажатлари, реклама, сотув олди тайёргарлик, ходимларга иш ҳақини тўлаш.

4-жадвал

Ўзбекистонда автомобилларни улгуржи сотиш каналининг самарадорлиги¹²

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Даромад, минг сўм.	2901641	3057549	3553599	2118248	3277692	8994178	10806960	17575356
Харажатлар, минг сўм.	2321313	2445102	2979479	1613616	2666214	7527943	8701416	14375726
Фойда, минг сўм.	580328	612447	574120	504632	611478	1466235	2105544	3199630
Самарадорлик, %	19,9	20,0	16,1	23,8	18,6	16,3	19,4	18,2

Автомобилларни сотишни кенгайтиришга кўмаклашувчи рақамли маркетинг воситалари ва уларнинг хусусиятлари 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

Ўзбекистонда автомобилларни чакана сотиш каналининг самарадорлиги¹³

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Даромад, минг сўм.	2033123	2421929	2583877	1459874	2194248	5559508	6938458	6079228
Харажатлари, минг сўм.	1412795	1719482	1809757	1055334	1575345	4139158	4932914	4384198
Фойда, минг сўм	620328	702447	774120	404540	618903	1420350	2005544	1695030
Самарадорлик,%	30,5	29,0	29,9	27,7	28,2	25,5	28,9	27,9

¹² <https://stat.uz/ru/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹³ <https://stat.uz/ru/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таъкидлаш жоизки, бундай реклама воситалари мижознинг маълум бир русумдаги автомобилни сотиб олиш қарорини қабул қилишга хизмат қилади ва нафақат электрон платформа орқали савдо жараёнида, балки анъанавий сотиш каналлари орқали автомобилларни сотишда ҳам қўлланилади.

Диссертация тадқиқотлари давомида сотилган автомобилларнинг Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат ҳажми, мамлакатдаги Интернет фойдаланувчилари сони, оптик толали линиялар узунлиги ва Ўзбекистонда аҳоли сонига боғлиқлигини кўрсатувчи эконометрик модель ишлаб чиқилди (6-жадвал).

Барча коэффицентлар 5 % аҳамиятлилик даражасида муҳимдир, умуман, модель аҳамиятга эга, Х4 омили ва эркин ўзгарувчи статистик жиҳатдан аҳамиятли ва ишончли эмас.

Ҳисоб-китоблар натижасида кўп регрессия тенгламаси ҳосил қилинди:

$$y = 0.232X1 + 0.201X2 + 0.129X3 \quad (1.1)$$

Эконометрик моделнинг иқтисодий талқини қуйидагича: олинган регрессия тенгламасини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг 1 млн. сўмга ошиши электрон платформа орқали автомобилларни сотиш ҳажмининг 0.232 автомобилга ошишига олиб келади;

интернетдан фойдаланувчилар сони 1 млн. кишига кўпайиши муқобил сотиш канали орқали автомобилларни сотиш ҳажмининг 0.201 автомобилга ошишига олиб келади;

оптик-толали линиялар узунлигининг 1 минг км.га ошиши муқобил сотиш канали орқали автомобилларни сотиш ҳажмининг 0,129 автомобилга ошишига олиб келади;

Ўзбекистон аҳолиси ушбу корреляцион моделда аҳамиятли эмас.

6-жадвал

Иқтисодий моделлар параметрлари¹⁴

Параметрлар	Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
У	Жами сотилган автомобиллар сони, дона	143761	151592	163637	90973	98700	167182	197103	232794
X1	Электрон тижорат ҳажми, млн. сўм	5250	12154	184204	20287	31069	55224	101300	275311
X2	Интернетдан фойдаланувчилар сони, млн.нафар	6,2	7,0	9,5	12,1	14,7	20,0	22,0	22,5
X3	Оптик толали алоқа линиялари узунлиги, минг км.	7,8	9,1	11,2	17,9	20,3	26,6	36,6	68,6
X4	Ўзбекистон аҳолиси, млн. нафар	28,3	28,5	29,1	29,5	29,9	30,1	30,8	33,5

¹⁴ <https://stat.uz/ru/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Демак, автомобилларни муқобил сотиш каналларининг ривожланишига телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланиши бевосита таъсир кўрсатади.


Диссертациянинг “Ўзбекистонда маркетинг сиёсатини такомиллаштириш ва автомобилларни муқобил сотиш каналларини модернизация қилиш” деб номланган учинчи бобида автомобилларни муқобил сотиш каналларини такомиллаштириш ва сотишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари таклиф этилган, муқобил сотиш каналлари орқали автомобилларни сотишни ривожлантириш истиқболлари прогнози амалга оширилган ва экспорт салоҳиятини оширишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш хусусиятлари ёритиб берилган.

“Avtovin” электрон платформаси эълонлар сайтини ўзида намоён этади. Ушбу электрон платформа тармоқ таъсирига эга: фойдаланувчилар сони кўпайиши миқёснинг ошишига олиб келади.



3-расм. “Avtovin” электрон платформасининг афзалликлари¹⁵

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм. “Avtovin” нинг автомобилларни электрон сотиш платформасини ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиш стратегиясини яратиш босқичлари¹⁶

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Avtovin” электрон платформасининг вазифалари фойдаланувчиларга танланган автомобилларни таққослаш имконини беради, бу эса фойдаланувчи томонидан белгиланган параметрлар асосида энг фойдали вариантни танлашни осонлаштиради. “Avtovin” электрон платформаси доирасида автомобиль мавзуларига оид янгилик, шарҳ ва мақолалар ҳам чоп этилади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган ва Интернет орқали фақат айрим зарур операцияларни амалга ошириш имконини берувчи avtoelon.uz, olx.uz, avtobor.uz веб-сайтлардан фарқли ўлароқ, “Avtovin” электрон платформаси куйидаги афзалликларга эга (3-расм).

Тарғиб қилишнинг биринчи босқичи маълум бир реклама кампанияси доирасида тарғиб қилиш объектини аниқлашдан иборат. Тарғиб қилиш объекти ҳақида ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан танланган иккита: воқеалик ёки доимий туридан бири танланади.

